2008 ЙИЛ, 5 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (11.168)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ (ЕХҲТ) АМАЛДАГИ РАИСИ, ФИНЛЯНДИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АЛЕКСАНДЕР СТУББНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган Финляндия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам ҳурмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк давридаёқ ЕХҲТга аъзо бўлиб, ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда экология соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йили Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқалар бўйича бюроси очилган. Айни пайтда юртимизда ЕХҲТ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон-Финляндия муносабатларига Президент Ислом Каримовнинг 1992 йили ушбу мамлакатга ташрифи асносида асос солинган. Мамлакатларимиз парламентлари, ташқи сиёсат ва ташқи савдо маҳкамалари делегацияларининг ўзаро ташрифлари изчил давом этмоқда.

Финляндия Европа Иттифоқи давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилган. «Ўзбекистон-ЕИ» ҳамкорлик кенгашининг дастлабки мажлиси 1999 йилда Финляндия раҳбарлигида ўтказилган.

Мамлакатларимиз ЕИ ва ЕХҲТдан ташқари, БМТ ҳамда НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон Финляндияга нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, ўғитлар, хизматлар экспорт қилади, ушбу мамлакатдан юртимизга целлюлоза ва кимё маҳсулотлари, электр ва механик ускуналар, дори-дармон, резина буюмлар импорт қилинади. Мамлакатимизда финляндиялик сармоядорлар иштирокида тузилган «Scanmix-Samarkand», «Nokia Simens Network Tashkent» каби корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Александер Стубб самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Финляндия Ўзбекистон билан икки томонлама асосда ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон-Финляндия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболларига, мамлакатимизнинг ЕХҲТ билан ҳамкорлигига доир масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

## ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ИЮНЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ФРАНЦИЯ МЕДИАТОРИ ЖАН-ПОЛЬ ДЕЛЕВУАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Сизнинг ташрифингизни Франция жамоатчилиги делегациясининг ташрифи деб қабул қиламиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Бу Франциянинг нафақат давлат тузилмалари, балки жамоат ташкилотлари ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка қизиқишидан далолатдир. Ташрифингиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёни билан танишиш учун яхши имкониятдир.

Францияда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига катта қизиқиш, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига юксак ҳурмат билан қаралади. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йили Парижга расмий ташрифи асносида Франциянинг ўша пайтдаги Президенти Жак Ширак Ўзбекистонга, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига ҳурмат белгиси сифатида давлатимиз раҳбарига Соҳибқирон Амир Темурнинг Франция Қироли Шарль VI га йўллаган мактубини тақдим этган эди. ЮНЕСКО қароргоҳи жойлашган Парижда 1994 йилда Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, 1996 йилда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейлари, 1997 йилда эса Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонлангани мазкур фикрнинг яна бир ёрқин далилидир.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. 2007 йилнинг октябрь ойида Франция Ташқи ишлар вазирлиги делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

Парламентлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Франция Сенатида "Франция-Марказий Осиё" парламентлараро гуруҳи, Миллий йиғинида "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи тузилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида Франция Сенати билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ ташкил қилинган.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 321,9 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Юртимизда франциялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган "Миришкор" (чигитни қайта ишлаш), "Кофра" (пойабзал ишлаб чиқариш) каби қўшма корхоналар, Франциянинг 11 фирма ва компанияси, "Креди Коммерсиаль де Франс" ва "Сосьете Женераль" банкларининг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳам кўлами кенг. Франция билан макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Икки мамлакат мутахассислари қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда қўшма тадқиқотлар олиб бормоқда.

Францияда ўзбек, Ўзбекистонда француз мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари таржима этилиб, чоп қилинмоқда. Хусусан, Францияда Алишер Навоий ғазаллари ва Амир Темур тузуклари нашр қилинди. Олий ўқув юртларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида талабалар алмашуви, ўқитувчилар малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Франция Медиаторининг ташрифи асносида икки мамлакат омбудсманлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бу йўналишдаги алоқалар ҳам мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самара бермоқда. Хусусан, Омбудсман институти, унинг минтақавий вакиллари фаолият кўрсатмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми янада такомиллашувига хизмат қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Жан-Поль Делевуа самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон-Франция муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланаётганини, қамрови кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бораётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

**ПОЙТАХТНИНГ бир куни**

Янгиликлар, воқеалар





**ҲАР БИР КОРХОНАДА ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРГА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, УЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ МАНФААТДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АЛБАТТА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИЮ МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИДА МУҲИМ ҲИССА БЎЛАДИ.**

*Кичик бизнес*

## ХАРИДОР ТАЛАБИ ВА ЭҲТИЁЖИ АСОСИДА

Пойтахтимизда 2001 йилдан буён фаолият юритаётган «SHIRIN KULCHA» масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ҳам жамоа аҳлини баракали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратишган. Ушбу жамиятнинг ишлаб чиқариш цехи сифатли нон маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, замон талабларига тўла жавоб беради.

— Маҳсулотларимизни ишлаб чиқариш жараёнида, —деди жамият директори Дилшод Юсупов, —уларнинг нафақат аҳоли дастурхони тўкинлигида, балки ризқ-рўзимиз саналган нonнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам фойдали ва зарур эканлигидан келиб чиққан ҳолда фаолият юритамиз. Шу боис ҳам маҳсулот тайёрлашда сифат бош мезонга айланган. Жумладан, харидор талаби ва эҳтиёжини ўрганишга ҳам алоҳида ёндошганлигимиз ички бозорда ўз ўрнимизни топишимизда асқотмоқда.

Ҳозирда 40 нафар малакали ишчи-хизматчилардан иборат жамоа аҳли бир суткада 11,6 тонна 15 турдаги хуштаъм, мазали, тўйимли нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариб, пойтахтимиздаги 40 га яқин нон дўконлари, савдо шохобчаларига етказиб бермоқда. Қувонарлиси, ушбу жамиятда барча маҳсулотлар темирга бойитилган ундан тайёрланади. Юртимизда ишлаб чиқарилган 1-навли ундан тайёрланаётган нонларнинг талаб даражасида бўлишига новвой усталар — Азиз Маҳмудов ва Зарофат Абдуваливалар масъул.

—Тайёр маҳсулотларимиз сифати қатъий назоратда, — дейди корхона технологи Ҳафиза Азимова. —Боиси, бойитилган ундан (таркибида болажонларимиз, беморлар соғлиғи учун зарур бўлган дармондорилар, темир, руҳ элементлари, фолий кислотаси мавжуд) тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари ҳам сифатли, ҳам кўплаб турдаги иштаҳа очувчи кўринишда эканлиги уларнинг харидоргирлигини таъминлайди. Жамиятимиз цехида Германия ва Россия давлатларининг юксак унумли печь ва дастгоҳлари ишчи-хизматчиларимизга ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Корхона тадбиркорлари доимий изланишда, ички бозорни чуқур ўрганиш асосида аҳолининг соғлиғини тиклашга хизмат қиладиган—болалар ва оналарда камқонлик, катталарда жисмоний кучнинг ҳамда чидамлиликнинг пасайишидан сақланишга фойдали ҳисобланган нон ва нон маҳсулотлари турларини кўпайтириш устида ишламоқда. Кейинги йилларда улар харидор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, маҳсулотларнинг айниқса, иссиқ иқлим шароитимизда сақланиш муддатини узайтириш йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

Самарали саъй-ҳаракатлар туфайли ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми ортиб корхона жамоасининг соф даромади олти миллион сўмни ташкил этди.

Барча имкониятлардан оқилона фойдаланаётган жамоа аҳли «Интилганга толе ёр» деган нақл бежиз айтилмаганлигини дилдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоқда. Жорий йил охиригача улар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, шу асосда янги иш ўринлари яратиш устида фаолият олиб боришмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: «SHIRIN KULCHA» масъулияти чекланган жамияти жамоаси фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

**МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ (ЕХҲТ) АМАЛДАГИ РАИСИ, ФИНЛЯНДИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ АЛЕКСАНДЕР СТУББ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 4 ИЮНЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ СПИКЕРИ ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВА БИЛАН УЧРАШДИ.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Икки ва кўп томонлама, жумладан, ЕХҲТ доирасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май куни қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга содиқлигининг яна бир далили бўлганини алоҳида таъкидлади, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларга юксак баҳо берди.

— ЕХҲТ Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан манфаатдор, — деди А.Стубб.

ЕХҲТ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокара ўтказди.

(ЎзА)

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Миробод туманидаги Баротхўжа маҳалласида фаол ёшлар иштирокида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати ёшларни касб-ҳунарга йўналтиришда маданият уйларининг роли масаласига бағишланди.

● **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорликларида Усмон Юсупов, Шароф Рашидов, «Машинасозлар» маҳаллалари ўсмир ёшлари иштирокида уюштирилган бевосита мулоқот «Ўз уйингни ўзинг асра» деб номланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** шифокорлар малакасини ошириш институтида КЕЧА шифокорлар иштирокида беморни даволашда табиий доривор гиёҳларнинг аҳамиятига бағишланган анжуман уюштирилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уни мониторинг қилиш» лойиҳаси доирасида миллий анжуман бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд шаҳрида «Марказий Осиёда лизинг фаолияти, унинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Марказий Осиё, Ҳамдўстлик ва хорижий мамлакатларнинг етакчи лизинг компаниялари, ассоциациялар, банклар, молия муассасалари вакиллари қатнашган анжуманда лизинг операцияларининг бугунги ҳолати, лизинг компанияларига қўшимча сармоялар ажратиш ва бошқа масалалар таҳлил этилди.**

**● «Ёшлар йили» Давлат дастурига асосан Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида «Шимол овози» қўшиқлар фестивали бўлиб ўтди. «Навоий кон-металлургия комбинати»нинг Шимолий кон бошқармаси, Учқудуқ туман ҳамда шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ёш санъаткорлар иштирок этди.**

**● Қашқадарё вилоятининг Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида Озарбойжон адабиёти ойлиги тадбири бошланди.**

**● Наманган шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркаси иштирокчиларининг асосий қисмини ўрта махсус ўқув юртларининг битирувчи талабалари ташкил этди. Уларга 94 ташкилот, корхона ва муассаса 498 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Шу куни 98 нафар ёшлар шаҳардаги қатор корхоналарга муқим иш ўринларига жойлашишди.**

**● Фарғона туманидаги Лоғон қишлоғида шифер ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушди. Бир кунда 6 минг дона маҳсулот тайёрланадиган ушбу корхона «Қувасойтаъмирқурилиш» МЧЖ тасарруфида бўлиб, бу ерда 40 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди. Тез орада янги корхонада оҳак ва цемент ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.**

### ЖАҲОНДА

**● «Саккизлик» давлатларининг молия вазирлари 13-14 июнь кунлари Япониянинг Осака шаҳрида саммит мавзуси бўйича музокаралар ўтказишади. Унда вазирлар халқаро ривожланиш муаммолари, жаҳон иқтисоди ва иқлим ўзгариши масалаларини кўриб чиқадилар.**

**● АҚШ Демократик партиясининг сўнгги праймеризи ўтказилиб, овозлар сарҳисоб қилингач, ушбу партиядан мамлакат президентлигига номзоди кўрсатилган Барак Обама ўзини ягона номзод сифатида эълон қилди. Эндиликда у жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказиладиган сайловларнинг асосий босқичида Республикачилар партияси вакили Жон Маккейн билан беллашади.**

**● Хитой кучли ер қимирлашидан жабрланган ҳудудларда тиклаш ишларини амалга ошириш учун 70 миллиард юан (10 миллиард доллардан ошиқ) маблағ ажратди.**

**● Греция бош вазири Костас Караманлис Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэлга мурожаат хати юборди. Унда Бош вазир Европа Иттифоқида нарх-наво кўтарилишининг олди олинишини талаб қилган. Хатда, шунингдек, 19-20 июнь кунлари бўлиб ўтадиган Европа Иттифоқи саммити кун тартибига ҳам шу масалани киритишни тавсия этган.**

**● АҚШнинг «Дискавери» космик кемаси астронавтлари Майкл Фоссум ва Рональд Гаран кеча очиқ фазодаги ишларини якунлаб, Халқаро космик станциясига қайтдилар. Улар 6,5 соат давомида очиқ коинотда кенг кўламдаги ишларни амалга оширдилар.**

**● Покистоннинг Исломобод шаҳрида жойлашган Дания элчихонаси ёнидаги қўпорувчилик ҳаракатини амалга оширганликни «Ал-Қоида» гуруҳи ўз зиммасига олди.**

**● Кеча Кемероводаги портлаш юз берган кўмир конида излаш-қутқариш ишлари якунланди.**

**● Кеча Греция пойтахти Афинада ўтказилган анжуманда Халқаро Олимпия қўмитаси 2016 йилги Олимпиадани қабул қилувчи номзод шаҳарлар сифатида Чикаго, Токио, Мадрид ва Рио-де Жанейрони қайд этди. Яна уч номзод шаҳар —Доха, Прага ва Боку рўйхатдан ўтмади.**

**● Мексикада ўтказилаётган йирик велосипед пойгаси мусобақаси давомида катта тезликда ҳаракатланаётган енгил машинанинг спортчиларга келиб урилиши натижасида бир киши ҳалок бўлди, 10 нафар велосипедчи тан жароҳатларини олди. Маълум бўлишича, енгил машина ҳайдовчиси автоуловни бошқараётган пайтда ухлаб қолган экан. Унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.**

**● Кеча Польшада кўмир конида юз берган портлаш натижасида уч нафар шахтёр ҳаётдан кўз юмди.**

**● «Женерал Моторс» концерни икки йил мобайнида АҚШ, Канада ва Мексикада жойлашган тўртта корхонаси фаолиятини тўхтатишга қарор қилди.**

**● Европанинг Expedia номли энг йирик сайёҳлик агентликларидан бири томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра японлар жаҳондаги энг яхши туристлар деб топилди. Ушбу сўровда бутун жаҳон бўйлаб 4 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг раҳбарлари қатнашди.**

# ИШГА МАРҲАМАТ!

**ҲОЗИРГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАСИ ҲИСОБЛАНГАН АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ БОШ БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДАГИ БАРЧА ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИШ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. БУГУНГИ СУҲБАТДОШИМИЗ СЕРГЕЛИ ТУМАН БАНДЛИККА КЎМАКЛАШУВЧИ МАРКАЗ РАҲБАРИ ХОЛИДА НИЗОМОВА ЖАМОАНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАМДА КЕЛГУСИГА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАРИ ҲАҚИДА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ.**

*Бандлик*

## РЕЖА АСОСИДАГИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ

Туманимизда 33 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 150,2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Доимий банд бўлмаган аҳоли 1690 нафар фуқароларни ташкил этади, улардан 542 нафари эса фаол иш қидирувчилар. Бандликка кўмаклашувчи марказимиз ишни Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Меҳнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Аҳолини иш билан таъминлаш дастури» ҳамда бош бошқармамиз томонидан белгиланган йўналишлар бўйича ташкиллаштирган. Бизга мурожаат этган доимий банд бўлмаган фуқароларни туманимиз, пойтахтимизда фаолият юритаётган йирик, кичик, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилот, муассаса, идораларга ишга жойлаштириш асосий вазифаларимиздан саналади. Шунингдек, бошқармамизга қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ўқишга юбориш ишлари қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Эътиборли томони, барча ишларимизда маҳаллалар оқсоқоллари, фаоллари ёрдамига таянамиз, доимий равишда улар билан ҳамкорлик қиламиз.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йил бошидан марказимизга 900 нафар аҳоли иш сўраб мурожаат этди, улардан 402 нафарини ёшлар ташкил этди. 760 нафар киши ўз хоҳиш-истагига кўра турли корхона, ташкилотларга ишга жойлаштирилди (шулардан 355 нафари ёшлардир). Жумладан, 64 нафар фуқаро жамоат ишларига жалб қилинди, 124 нафар фуқаро эса бошқармага қарашли ўқув марказига ўқишга юборилди.

—Туманимизда ҳозирги кунда 154 та ташкилот ва корхоналарда 1205 та бўш иш жойлари мавжудлиги ҳақида марказга маълумот юборилган. Улардан 996 таси ишчи касблар, қолгани эса муҳандис, техник, хизматчилар учун мўлжалланган. Янги иш жойлари яратиш режаси бўйича 2008 йилнинг ўтган 4 ойида туманда 1189 та ўринлар ташкил этилди. (Режага нисбатан 131 фоизни ташкил этади).

— Кейинги йилларда давлатимиз томонидан кичик корхона ва хусусий бизнес субъектларига қаратилаётган эътибор — уларнинг эркин фаолият юритишлари учун яратилаётган қулай шарт-шароит, ҳуқуқий ҳимоя иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Масалан, уй меҳнатини уюштириш ҳисобига 355 та иш ўринлари ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида туманимизда фаолият юритаётган корхоналар 4 ойлик режани 109 фоизга бажаришди. «Файз» холдинг компанияси (25 та касаначилик асосида иш ўрни яратишди); «Uz-Elas» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамияти (20 та); «Иккиламчи қорамет» корхонаси (21 та); «Meb-fur-servis» масъулияти чекланган жамияти (11 та) бунга яққол мисол бўла олишади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — кўп болали, кам таъминланган, ногирон фарзанди борларга доимий моддий мадад бериб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қарорининг бажарилиши юзасидан ўз ваколатларимиз доирасида тегишли ишларни амалга оширяпмиз. Йил бошидан кўриб чиқилган аризалар сони 84 тани ташкил этди, улардан 77 та оилаларга моддий ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилинди ва 48038,5 минг сўм миқдорида маблағ тўланди.

Жумладан, 2 ёшгача болалари бўлган ишламайдиган оналарга 41610,1 минг сўм нафақа тўланиб, уларнинг сони 1101 нафарни ташкил этмоқда. 18 ёшгача фарзандлари учун нафақа тайинлашни сўраб 272 та оилалар мурожаат қилишган бўлса, улардан 249 тасига, тўлов қоғози бўйича 1331 нафар фуқароларга 23912,5 минг сўм миқдорида нафақа берилди.

Марказимиз аҳил жамоасининг самарали саъй-ҳаракатлари билан йил бошидан «Ёркин ҳаёт» маҳалласида, Ал Фарғоний маҳалласи ҳудудида жойлашган Политехника касб-ҳунар коллежида «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари Сергели туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилди. Уларда тумандаги 59 та йирик корхона ва ташкилотлар 863 та бўш иш ўринлари билан қатнашишди. Қувонарлиси, меҳнат ярмаркаларида иш сўраб мурожаат қилган (ҳужжатлари тўла бўлган)ларнинг 48 нафарига ишга йўлланмалар берилди.

Сирасини айтганда, белгиланган режалар қатъий, уларни ўз муддатларида бажаришга жамоамиз астойдил бел боғлаган.

**Комила МИРКАМОЛОВА**





**СУРАТЛАРДА: Сергели туман бандликка кўмаклашувчи марказ фаолиятидан лавҳалар**

*Транспорт*

## ЗАМОНАВИЙ ШОҲБЕКАТЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ПОЙТАХТ ТРАНСПОРТЧИЛАРИ ҲАМ КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА. «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТОМОНИДАН ШУ ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА ҚАТОР ЙИРИК ҚУРИЛИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Белгиланган вазифаларга мувофиқ юбилей йилида шоҳбекатларни бунёд этишга алоҳида эътибор берилади. Саккизта охирги шоҳбекат янгидан қурилади. Бундай иншоотлардан 4 таси қайта таъмирланади. Шунингдек, 13 та нозимхона замонавий тус олади.

«Амир Темур» шоҳбекатини қайтадан бунёд этишга киришилди. У пойтахтнинг Хоразм кўчасига кўчирилди.

## БИР МАРОМДА

**«ТОШЭЛЕКТРТРАНС» КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ 2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ ТАСАРРУФИДАГИ «ЗИУ», «ШКОДА» РУСУМЛИ ТРОЛЛЕЙБУСЛАР МУНТАЗАМ ҚАТНАБ ТУРИБДИ. УЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА КОМПАНИЯ «ТРОЛЛЕЙБУС ТАЪМИР СЕРВИС» ТАШКИЛОТИ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗДИ.**

Натижада кейинги тўрт ойда бир миллион 200 минг йўловчига намунали хизмат қилишга эришилди.

«Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда корхонада ойлик иш ҳақи фондининг 3 фоизи корхона касаба қўмитаси ҳисоб рақамига ўтказилмоқда.

## БИРИНЧИ ЎРИН ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «2- АВТОБУС САРОЙИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ҲАМ ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Саройга қарашли 60-йўналишда қатнаётган автобуслар қатнови ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Эндиликда йўналишнинг бир соатлик даромади 10 минг 394 сўмни ташкил этмоқда. Компания бўйича ўтказилган мусобақада бу жамоа биринчи ўринни қўлга киритди.

## КАСАНАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**ШУ ОЙДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ УЧТЕПА ТУМАНИ, ЖУРЖОНИЙ МАҲАЛЛАСИДАГИ 30 НАФАР УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН КАСАНАЧИЛИК АСОСИДА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ. УШБУ СОҲА РИВОЖИГА «NBS-TRID» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШДИ.**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга ўз улушимизни қўшишга интиляпмиз,—дейди мазкур жамият бошқаруви раиси Нуғмон Толипов. — Ҳозирда жамиятимиз сафларида 40 нафар ишчи-хизматчилар фаолият юритмоқда. Имкониятларимизни чамалаб кўриб, корхонамиз рўйхатдан ўтган туманда —Журжоний маҳалласи ҳудудида касаначилик билан шуғулланишлари учун хотин-қизларни иш билан таъминладик.

Жамиятнинг тадбиркорлари тикувчилик йўналишида фаолият юритадиган касаначиларга барча шарт-шароитларни яратишган. Касаначилар маҳаллий хом ашёдан ички бозоримизга сифатли, бежирим, харидоргир тикувчилик маҳсулотлари етказиб беришса, корхона аҳли юртимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш муаммоси ечимига ҳамда касаначилик ривожига муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсадларда изланмоқда.

Эътиборли томони, ҳозирда юртимизда тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланмоқда. Касаначилик асосида юқоридагидек тикувчилик, қўл меҳнати (яъни, қуроқ усулида кўплаб маҳсулотлар, уй-рўзғор ашёлари тайёрлаш каби), ҳунармандчилик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик, миллий либослар тайёрлаш жараёни (айниқса, ўтган — 2007 йилдан эътиборан кичик, хусусий корхоналар ҳам касаначилик ривожига кўмак беришмоқда) сезиларли даражада кенгайди.

Ютуқлардан илҳомланган, тадбиркорликка яратилган шарт-шароитлар, имкониятлардан самарали фойдаланаётган жамият тадбиркорлари доимий изланишда. Боиси, бозор иқтисодиёти шароити талаблари шуни тақозо қилмоқда. Замон билан ҳамнафас корхона эса ўз муваффақиятини таъминлаши аниқ.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

**ИНСОН ЁШЛИКДАН ИЛМГА, БИРОН КАСБ-ҲУНАРНИ ЭГАЛЛАШГА ИНТИЛСА, КЕЛАЖАГИ ГЎЗАЛ, РЎЗҒОРИ БУТ, ҲАЁТИ ФАРОВОН БЎЛАДИ. БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ, ДЕЙИШАДИ. БУ МАҚОЛНИНГ ҲОЗИРГИ ШИДДАТКОР АСРИМИЗДА ҚИЗЛАРИМИЗГА ҲАМ ТЕГИШЛИ ЭКАНЛИГИ, ШУБҲАСИЗ. АЙНИ ДАМДА ЖОРИЙ ЙИЛ БИТИРУВЧИЛАРИ ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА — ҚАЙСИ КАСБ-ҲУНАРНИ ТАНЛАШ, ҚАЙСИ КОЛЛЕЖ ЁКИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙГА ЎҚИШГА КИРИШНИ БЕЛГИЛАШ ҲИСОБЛАНАДИ...**

*Тадбирлар*

## ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Куни кеча Тошкент Иқтисодиёт ва бизнес коллежида ҳам худди шу йўналишдаги тадбир — «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Унда шаҳримиздаги кўплаб мактаблар битирувчилари, уларнинг ота-оналари ҳамда мазкур мактаблар вакиллари, коллеж жойлашган маҳалланинг фаоллари, ёшлар, қизиқувчилар иштирок этишди. Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишда таълим масканининг 1 босқич ўқувчилари коллежнинг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулноза Каримованинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— Юртимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, — дейди коллеж директори Пўлатхўжа Йўлдошев, — уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, малакали мутахассислар этиб тайёрлаш касб-ҳунар коллежлари олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. «Очиқ эшиклар куни» тадбирини ҳам таълим масканимиз билан яқиндан танишиш битирувчилар, уларнинг ота-оналари, мактаблар вакиллари, маҳаллалар фаоллари, умуман қизиқиш билдирган фуқаролар учун яна бир қулай имконият деб ўйлайман. Бизнинг коллежимиз замонавий, талаблар даражасида жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналари, ўқув хоналари, компьютер хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, «Маънавият ва маърифат хонаси», ошхона ҳамда буфетга эга. Бизда бешта: хўжалик ва ҳуқуқий фаолият; молия; солиқ ва солиққа тортиш; банк иши; бухгалтерлик ҳисоби ва аудит йўналишларида ёшларимиз таълим олишлари ва танлаган йўналиши бўйича етук мутахассисликни эгаллашларига етарли шарт-шароит ҳамда қулай имкониятлар яратилган. Режага асосан март ойидан коллежимизда консультатив марказ ўз фаолиятини юритмоқда.

— «Очиқ эшиклар куни» тадбири давомида айниқса, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Миробод, Яккасарой туманларидаги 97, 52, 257, 319, 307, 31, 307, 106, 206, 18, 112, 142, 92-мактабларнинг битирувчилари, айниқса, фаоллик кўрсатишди. Улар ота-оналари билан таълим масканида билим олиш, мутахассисликка кириб бориш имкониятлари билан яқиндан танишишганликлари, ўқувчилар билан дилдан самимий мулоқотлар ўтказилганлигидан мамнун бўлишди.

— Мазкур коллежнинг ўқув дастури, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактаб ўқувчисининг онаси Муқаддас Орипова биз билан суҳбатда, — дарслар жараёнининг оқилона ташкил қилиниши — ўқувчиларга замонавий билимларни етказиш, ўқув фанларини босқичлар бўйича тўғри тақсимлашга имкон яратишини ўз кўзимиз билан кўриб, кўнглимиз тўлди. Ўғлим Сардор Абдуллаев мазкур коллежда жорий йил бошида ўтказилган «Касбим — фахрим» мавзуидаги касб байрамида қатнашиб, таълим масканида молия йўналишида ўқишга хоҳиш билдиргани боис, фарзандимиз билан бирга бу ерга келгандим.

Дарҳақиқат, ёшлар — келажагимиз, эртанги умид чечаклари эканликларини доимо ёдда тутган ҳолда Тошкент Иқтисодиёт ва бизнес коллежининг аҳил жамоаси ўқувчи-ёшларга билим бериш, касбга ўргатиш, шунингдек, уларнинг келгусидаги ҳаёт йўлларини тўғри танлай олишларида муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқ. Бу борада эса «Очиқ эшиклар куни» каби тадбирлар ўзига хос ўрин тутади.

**Муяссар АБДУРАСУЛОВА**

*Иқтисодиёт*

## ШИФОБАХШ ПРЕПАРАТЛАР

**«ЎЗФАРМСАНОАТ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН «ГАЛЕНТИНИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА.**

Бу ерда янги ўрнатилган технология эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини бир ярим баробарга кўпайтириш имконини беради.

Айниқса, тиббиётда ишлатиладиган дори воситалари кўплаб тайёрланади. «Триогален» ва «Фитогален» препаратларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ДИЁР ТАРОНАЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДА "ДИЁРИМ ТАРОНАЛАРИ" АШУЛА ВА РАҚС КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Ёшлар иштирок этган ушбу тадбирда жамоалар мумтоз, классик, замонавий қўшиқ, якка рақс, оммавий ашула ва рақс жанрлари бўйича ўзаро беллашишди. Қизиқарли баҳсларга бой бўлган танловда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти талабалари биринчи ўринни қўлга киритиб бош совринга сазовор бўлди.

## САЙЁР КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА ОЛТМИШ ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКАДА ТУРЛИ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛАЁТИР.**

Бу сана муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан тасдиқланган Тадбирлар дастурида республиканинг барча минтақаларида инсон ҳуқуқлари бўйича китоб ва журналлар сайёр кўргазмаси ташкил этиш кўзда тутилганди. Дастурнинг мазкур банди ижроси Адлия, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, А. Навоий номидаги Миллий кутубхона, Матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига юклатилган. Ушбу идора ва ташкилотларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли китоб ва журналларнинг сайёр кўчма кўргазмаси бошланди.

Унинг дастлабкиси Тошкент давлат юридик институти кутубхонасида очилди. Тўққизинчи июндан бошлаб эса Қорақалпоғистон Республикаси маркази Нукус шаҳрида ва барча вилоятлар марказларида сайёр кўргазмалар бўлиб ўтади.

**Рустам ХАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"**

### Сўранг, жавоб берамиз

## ЛИЦЕНЗИЯ ҚАЧОН БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

**Аудиторлик ташкилотида фаолият юритамиз. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг аудиторлик лицензияси қандай ҳолларда бекор қилиниши мумкинлиги ҳақида билмоқчи эдик.**

**Равшан Холиқов, Ботир Ҳасанов, Собир Раҳимов тумани**

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасига асосан, лицензия қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

— аудиторлик ташкилоти лицензияни бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганда;

— лицензиянинг сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

— агар аудиторлик ташкилоти лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида хабарнома юборилган пайтдан эътиборан 3 ой ичида махсус ваколатли давлат идорасига лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёки лицензия шартномасини имзоламаган бўлса.

## ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

**Мен ишлаётган корхона маъмурияти билан ўз ташаббусим билан меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи эдим. Айтингчи, меҳнат қонунларига асосан ушбу ҳолатда қандай йўл тутилади? Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш қандай тартибда амалга оширилишини тушунтириб берсангиз.**

**Фарида Юнусова, Сергели тумани**

Ишчи-хизматчи муайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар, муддатли тузилган меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугаганидан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли. Иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини ва буйруқнинг нусхасини бериши ҳамда у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт ҳисобланади.

Огоҳлантириш муддати тугагунга қадар ходим ўз аризасини қайтариб олишга ҳақли.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги аризани корхона раҳбарига эмас, кадрлар бўлимига, бўлинма раҳбарига ёки девонхонага берилганлиги сабаб, уни қабул қилишни рад этишга қонунда йўл қўйилмайди. Аризани олган шахслар уни корхона раҳбарига етказишлари керак. Бу борада меҳнат низоси келиб чиқмаслиги учун масалага ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра аниқлик киритиб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## ЗАРАРНИ УНДИРИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

**Мен бир ташкилот билан шартнома тузган эдим. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида ишнинг ярим пулини, яъни кўрсатилган сумманинг ярмини гаров ҳисобида бердим.- Мажбурият эса ўша ташкилотнинг айби билан бажарилмади. Айтингчи, мен гаров пулим ва келтирилган зарарни ундириб ола оламанми?**

**Зебо Ғаниева, Юнусобод тумани**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 312-моддасига мувофиқ мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ушбу кодекснинг 349-моддаси) бекор қилинган тақдирда гаров пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилиши учун гаров пули берган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга гаровни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилиши учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров пули суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

*2008 – Ёшлар йили*

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

**ИМОМ БУХОРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ ИНСТИТУТИДА "МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ" МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

"Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган мазкур тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар, диний таълим муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш, уларнинг маънавияти ва дунёқарашини бойитиш, Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Ёшлар тарбияси мамлакат тараққиётини, эл-юрт келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Фарзандларни ҳар томонлама баркамол, оқил, билимли этиб тарбиялаш миллий қадриятларимизда, муқаддас китобларда ўз аксини топган. Шу боис, ёшларнинг онги ва тафаккурини юксалтириш, уларнинг қалби ва шуурига инсонпарварлик ғоялари, эзгу фазилатларни теран сингдириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Юртбошимиз раҳнамолигида азалий анъаналаримизни қайта тиклаш, буюк алломаларимизнинг ҳаёт йўли, бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадайюб Ҳомидов. — Ёшларни аждодларимизга муносиб ворислар, комил инсонлар этиб тарбиялашимиз зарур. Бу борада жойларда ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар ўзига хос ўрин тутади.

Анжуманда мамлакат тараққиётида ёшларнинг ўрни ва мавқеи, улар зиммасидаги масъулиятли вазифалар, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш борасидаги муаммолар, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшлар маънавияти ва одоб-ахлоқининг юксалишида миллий қадриятларнинг ўрни, диний таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мавзуларида маърузалар тингланди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЭЛЕКТРОН ЧИПТАЛАР СОТУВГА ЧИҚАРИЛДИ

**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ИЮНИДАН БОШЛАБ, «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ЭЛЕКТРОН АВИАЧИПТАЛАР ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.**

— Бу тизимга ўтиш беш босқич асосида олиб борилиб, 2010 йилгача давом этади,—дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тян.—Июн ойида биринчи босқич бошланади. Мижозлар учун компаниянинг махсус терминалларидан брон қилинган электрон чипталар тизими йўлга қўйилади. Бунинг учун зарур барча чора-тадбирлар кўриб қўйилди. Келгуси йилда эса иккинчи босқичга, яъни бу каби чипталарни Интернет тармоқлари орқали сотишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Биринчи июндан бошлаб электрон чипталарга буюртма беришни хоҳловчи кишилар авиакомпанияга тегишли кассаларга, хорижда эса ўша ердаги авиакомпания вакилига мурожаат этишса кифоя. Бундай чипталарни фақатгина ушбу хизмат тури йўлга қўйилган йўналишлар бўйича харид қилиш мумкин.

Электрон чипталар ҳаво йўллари орқали йўловчи ташиш тизимида янги усул бўлиб, қатор қулайликлар туғдириши билан аҳамиятлидир. Биринчидан, маълум рейсда учадиган йўловчилар тўғрисидаги барча маълумотлар, чиптага буюртма берилган кунданоқ, автоматик равишда авиакомпания компьютерларига келиб тушади. Қолаверса, бу усул йўловчиларнинг қимматли вақтини тежашга имкон туғдиради, авиакомпаниянинг амалдаги чипталар қоғози учун сарфланадиган харажатларини қисқартиради.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**«Туркистон-пресс»**

# МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИ РИВОЖИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУҲИДДИН ҚОРИ-ЁҚУБОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ.**

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий мусиқа санъатини изчил ривожлантириш, соҳа ижодкорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш ва рағбатлантириш борасида барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани таъкидланди. Юртимизда мусиқий таълимни, жумладан, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлаш, мазкур йўналишда давлат ўқув стандартлари ва дастурлари, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида тайёрлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар бунинг далилидир.

Мазкур танловда анъанавий созандалик ва халқ чолғулари ижрочилигининг ўттизга яқин йўналиши бўйича юз нафардан ортиқ ғолиб аниқланди. Хоразмлик Лочинбек Мўминов, андижонлик Бобур Ғаниев, тошкентлик Алишер Йўлдошев, Абдуазиз Турсунбоев, бухоролик Нақшбанд Тўхтаев, пойтахт вилоятидан Максим Овсянников шулар жумласидандир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Санъат*

# АКТЁРЛАРИМИЗНИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

**ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИНИНГ НАВБАТДАГИСИ ГЕРМАНИЯДА УЮШТИРИЛДИ. «ТЕАТРОНОМЕН» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ ЙИРИК ИЖОДИЙ КЎРИКДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК АКТЁРЛАР ҲАМ ЎЗ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТДИЛАР.**

Тошкентдаги «Илҳом» театрининг бу мамлакатга қилган гастроли ҳам муваффақиятли бўлди. Театрнинг янги постановка қилинган «Ҳадя қилинган анорлар» деб номланган спектакли ҳам фестивал томоша дастуридан ўрин олди.

Фестивал доирасида ўзбек актёрлари билан давра суҳбатлари ҳам ташкил қилинди.

# ГРАН-ПРИ СОВРИНДОРИ

**ЁШЛАР ЎРТАСИДА МИЛЛИЙ КИНО ВА ФОТО САНЪАТИГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ОРТИБ БОРМОҚДА.**

Ўзбекистон киноҳаваскорлар жамияти бундай истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаб, турли тадбирларни амалга оширмоқда.

«Сеҳрли ёғду—2008» болалар кино-фото фестивали ҳам қатор ижодкорларни аниқлаб берди.

Сергели туманидаги 266-мактаб ўқувчиси Ғуломжон Эргашев чизган «Бозорда» деган фотойўналишдаги иши эса фестивалда юқори баҳоланиб, «Гран-При» мукофоти билан тақдирланди.

# ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНАДИ

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ 90 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КЎПЛАБ МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҲАМ РЕЖАЛАШТИРИЛДИ.**

Марказий Осиёдаги бу тўнғич олий ўқув юртининг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам суратга олинади.

Ушбу экран асарида университетда янгидан ташкил этилаётган музей экспонатлари ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар ҳам ўз аксини топади. Янги картинани тайёрлашда республика кино-фотоархиви материалларидан кенг фойдаланилади.

**Анвар ВАЛИЕВ**

*14 июнь – Халқаро донорлар куни*

# ҲАЁТ НАЖОТКОРЛАРИ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА ҲАР ЙИЛИ ИККИ ЮЗ МИНГГА ЯҚИН ОДАМ ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН БЕҒАРАЗ РАВИШДА ДОНОРЛИК ҚОНИ ТОПШИРАДИ.**

Улар топширган қон — кўп қон йўқотиш, шок ва ҳолдан тойиш ҳолларида, хусусан, нафас йўллари, ичак ва бошқа органлар жарроҳлик операцияларида кенг фойдаланилади. Кўп қон йўқотишни даволаш ва жарроҳлик амалиётларини қон қуйишсиз амалга ошириб бўлмайди. Тасаввур қилинг донор қони бўлмаса нима бўлади?!

«Ўткир буйрак етишмовчилиги» билан оғриган кўпгина беморлар ҳаёти авваллари ўлим билан тугарди, уларни асраб қолишнинг ҳеч қандай имкони йўқ эди. Ҳозир эса улар ҳаёти донорлар ёрдами ҳисобига асраб қолинаётир. 1862 йилда яратилган «Сунъий буйрак» ўрнатиш жараёнида ҳам донор қони жуда муҳим. Юрак операциялари айниқса, юрак нуқсонларини даволашда қон катта аҳамиятга эга. Бундай мураккаб операция учун янги 8-10 литр донор қони зарур.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти "Инсонийлик" ўқув-услубий марказида ўтказилган семинар-тренинг ҳам худди шу масалага бағишланди. Унда германиялик мутахассис Питер Хаймер семинар-тренинг иштирокчиларига ушбу мавзу доирасида ўқув машғулотлари ўтказди.

— Хавфсиз қон ҳар бир мамлакатнинг энг ноёб табиий бойлигидир, —деди германиялик мутахассис Питер Хаймер. — Фуқароларни қон билан таъминлаш учун мунтазам равишда қон топширадиган, ҳақ тўланмайдиган кўнгилли донорлар сув ва ҳаводек зарур. Шунинг учун ушбу инсонпарварлик ҳаракатини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, бу фаолият доирасини янада кенгайтириш талаб этилади.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича бир йилда 500 мингга яқин аёллар ҳаётдан кўз юмаётган бўлса, шулардан 25 фоизи туғруқ вақтида рўй бермоқда. Кўпинча бунга керакли қон гуруҳи йўқлиги ва қонни ўз вақтида етказиб берилмаслиги сабаб бўлаётир.

Семинарда ҳозирда 26 миллионли халқимиз учун бор-йўғи 3 фоиз қон заҳираси мавжудлиги айтилди. Шу сабабдан, «Қон инсонлар хизматида» жамғармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимизда беминнат донорлик ҳаракатини ривожлантириш борасида қатор таклифлар киритилаётир. Масалан, ўттиз мартадан зиёд беминнат қон топширганларга Ўзбекистоннинг фахрий донори унвони берилиши, донорларни рағбатлантиришнинг турли шаклларидан фойдаланиш зарурдир.

Қоннинг таркибий қисмларга ажратиш имкониятининг яратилиши тиббиётнинг муҳим ютуқларидандир. Кўпгина ҳолларда амалиётда донорлик қонининг ўзини эмас, балки унинг таркибий қисмлари — плазма, эритроцит ёки лейкоцитлардан фойдаланиш йўлга қўйилган. Эндиликда гемотологик касалликлар, талассемия, гемофилия, лейкемия ва апластик анемияларни қон препаратлари билан самарали даволаш мумкин. Шунингдек, фибриноген, гамма-глобулин, альбумин, фибринолизин каби қон препаратларини тайёрлаш учун кўп миқдорда донор қони керак бўлади.

Ўн саккиз ёшдан ошган ҳар бир соғлом киши донор бўлиши мумкин. Табиий савол туғилади. Донорлик киши соғлиғига ҳеч қандай хавф солмайдими?!

Тиббиёт фани ва узоқ муддатли кузатишлар давомида шу нарса аниқландики, киши организмида қон миқдорининг қисман камайиши донорнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмайди. Қоннинг ўрни тезда тикланади.

— Бизга донорлик учун келаётган кишилар сони жорий йилда анча кўпайди, — дейди Гемотология ва қон қуйиш илмий текшириш институти бош ҳамшираси Нодира Турғунова. — Беморлар ҳаётини асраб қолишимизда доимий донорлар ёрдами катта бўлаётир. Улар топширган қондан анемия, оққон, гемофилия билан касалланган беморларни даволашда фойдаланилмоқда.

Семинарда соҳадаги ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди. Тиббиёт олийгоҳларининг 3-4-курс талабалари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, бўлажак шифокорларнинг қон донорлиги ҳақидаги тушунчалари ноаниқлиги, баъзиларининг умуман донорлик ҳақида ҳеч қандай билимга эга эмаслиги аниқланган. Бу жуда ачинарли ва бўлажак шифокор учун кечириб бўлмайдиган ҳол ҳисобланади.

Донорлар нафақат инсонпарвар ва олийжаноб, балки инсонларни ҳаётга қайтарувчи нажоткорлар ҳамдир!

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
**"Туркистон-пресс"**





*5 июнь—Бутунжаҳон атроф-муҳит куни*

# ТАБИИЙ МАНБАЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛИДА

**БУТУНЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИ — БУ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАРИДАН БЎЛИБ, ҲАР ЙИЛИ 5 ИЮНЬ КУНИ ДУНЁНИНГ 100 ДАН ОРТИҚ МАМЛАКАТЛАРИДА НИШОНЛАНАДИ.**

Бутунжаҳон атроф-муҳит куни БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1972 йилда таъсис этилган ва тадбирни ўтказиш учун айнан шу сананинг танлаб олинганлиги бежиз эмас. Зеро, 1972 йил 5 июнда Швециянинг Стокгольм шаҳрида БМТнинг атроф-муҳит муаммолари бўйича конференцияси ўз ишини бошлаган эди. Шундан сўнг атроф-муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП) ташкил топди.

Бутунжаҳон атроф-муҳит кунининг мақсади—атроф-муҳит муаммоларига дунё жамоатчилигининг эътиборини жалб қилиш ҳамда тегишли ҳаракатларни рағбатлантиришдан иборат.

«Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириш учун зарур мўътадил атроф-муҳит шароитларига ҳам эга бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган. Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради...» дея таъкидлаб ўтганди давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» номли китобида.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати мамлакат Конституцияси, амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Йоханнесбург декларацияларининг тамойиллари асосида халқаро конвенциялар ва шартномалардан ҳамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган республиканинг мажбуриятлари ҳисобга олингани ҳолда олиб борилади.

Республикамиз экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсурларини ҳимоя қилишда экотизимни умумий ҳимоялашга ўтишга, инсон яшайдиган ҳаёт кечириш муҳитининг қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилган.

Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги мажмуи ва умуман, жамиятнинг барқарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб қолиши керак.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб Ватанимиз ҳудудидаги ҳамма табиий манбалар халқимизнинг мулки, бойлиги сифатида қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Бу қонун ҳужжатларининг асосий мақсади ҳам табиий манбаларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишдан иборатдир.

Шу тариқа табиат қонуниятлари устуворлиги тан олингани ҳолда миллий хусусиятларимиз асосида изчил экологик сиёсат йўлга қўйилди.

Ўтган 20 йил давомида Республикамизда шаклланган экологик қонунчилик ҳужжатларининг асосий вазифаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидалари устуворлиги асосида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Республикамизда табиатни асраш ва уни келгуси авлодларга муносиб тарзда етказиш юзасидан «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (1992), «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» (1993), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993), «Қазилмалар тўғрисида» (1994), «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» (1996) каби бир қанча қонунлар қабул қилинган.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари, табиий ресурсларнинг ҳуқуқий ҳолати, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, эркинликлари, ваколатлари, табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тартиби, муддати ҳамда экологик норматив—стандартларининг талаблари, экологик назорат ва экологик қонун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари ва бошқа экологик қоида-талаблар белгиланган.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташкил этилганидан бошлаб ўтган 20 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, қонуности меъёрий ҳужжатлари талабларининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, шаҳар табиатини асраб-авайлаш, сақлаб қолиш, экологик ҳолатини яхшилаш, ўсимлик дунёсини асраш, хавфли чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва экологик хавфсизликни сақлаш, озон қатламини емирувчи ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўз касб байрамини нишонлаган, табиатни асраш йўлида эришган камтаргина ютуқларидан шодланган ҳолда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси мавжуд экологик муаммолар ва уларни хал этиш йўлидаги вазифалар экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор стратегик йўналишларини белгилаш борасида қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратишни лозим деб билади:

шаҳар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилигининг барча талабларининг тўла ва сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

алоҳида эътиборни болалар ва ўқувчи ёшларга қаратган ҳолда аҳолининг экологик саводхонлигини ва ахборотлар билан таъминлашни кучайтиришга устувор вазифа сифатида қараш;

аҳолининг турмуш кечириши учун барқарор шарт-шароитлар яратиш ва шаҳарларни экологик соғломлаштириш бўйича халқаро амалиёт ва тажрибани янада фаол ўрганиш ва татбиқ этиш;

пойтахтнинг экологик тизими ҳолатини ҳамда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолиятини янада яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳрини 2006-2010 йилларга мўлжалланган экологик соғломлаштириш бўйича ҳудудий дастурнинг бажарилишини таъминлаш.

**Шукрулло ҲИКМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**ИКУО ХИРАЯМА НОМЛИ ХАЛҚАРО "МАДАНИЯТ КАРВОН – САРОЙИ"НИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА "БУ ЗАМИН – МЕНИНГ ВАТАНИМ" МАВЗУСИДА ЎТГАН ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Ўзбекистон Бадиий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ташаббуси билан "Экосан" халқаро ташкилоти, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов бир ой олдин бошланган эди.

Танлов якунларига бағишланган кўргазмада талабаларнинг қирқдан зиёд маҳобатли ва дастгоҳли ранг-тасвир, китоб графикаси каби йўналишларда ишланган суратлари ҳамда керамик ишлари қўйилди. Танлов шартига кўра асарларда Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, миллий қадриятлари, буюк сиймолар ва замонамиз қаҳрамонлари, ватанимизнинг бетакрор табиати, орол муаммоси каби мавзулар тасвирланиши керак эди.

— Танлов ўз олдига бир қанча вазифаларни қўйди. Ёшларда атроф-муҳит, атрофдагиларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, Ватан келажаги, равнақига масъулиятни янада орттириш. Ёшлар ишларини кўриб юртимизнинг эртанги куни ҳақида қайғурмасак ҳам бўлар экан деган ўйга бордим, – дейди Ўзбекистон халқ рассоми академик Баҳодир Жалолов.

Танлов ишлари бир кун ичида ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилди. К. Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти 2-босқич талабаси Хуршид Ибрагимов "Тунги Тошкент" ва "Кутубхона" асарлари учун грант-при совриндори бўлган бўлса, Мария Сизганова биринчи, Марат Қосимов ва Елена Камоловалар иккинчи, Шуҳрат Машрапов, Арслон Алимқулов, Фаррух Атоевлар учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

— Бугунги мукофот менга катта масъулият юклади, – дейди Хуршид. – Танловда манзара, ранг-тасвир ва портрет жанрларида ишланган тўққизта асарни тақдим этгандим. Уларга бундай юқори баҳо беришлари кутилмаган воқеа бўлди.

Х. Ибрагимов тинмай изланишда бўлиб, ижод сирларини ҳам ўрганаётир. Ҳозир у Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган асар устида ишламоқда.

Танловда қатнашган барча иштирокчиларга ҳомий ташкилотлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

– Менда Мария Сизгsecurityованинг китоб графикасида ишланган "Орол", "Ўрмон қаерда", "Экология", "Уйимиз эриб ётибди, энди қаерда яшаймиз" каби бир қатор экологик мавзуда ишланган асарлари катта таассурот қолдирди, – дейди томошабин Акмал Худойбердиев. – Бу ижод намуналари рассомнинг шунчаки ишлари эмас, улар ҳақиқий санъат асарларидир. Уларнинг бебаҳолиги рассом фикрини ўзида ифода эта олганида.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир асарда ана шундай бетакрорликни кўриш мумкин. Тасвирлар жонли, чизгилар нозик бу асарларда инсонлар меҳри, табиат тафтини ҳис қилиш, сезиш мумкин. Улар рассом ички оламини борича намоён этган.

**"Туркистон-пресс"**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### УМАР ХАЙЁМ
### ҲИКМАТЛАР

**Дилни покловчи сўз қайғу аламдан,**
**Туғилавермайди ҳар бир қаламдан.**

* * *

**Келган киши агар еттими ё бир,**
**Берсанг, бермасанг кетишар охир.**

* * *

**Урмоқчи бўлсанг гар улуғликка чанг,**
**Кичиклар ҳолини айламагил танг.**

* * *

**Агар шилар экан ўз танидан пўст,**
**Ўзгаларга қачон у бўлади дўст.**

* * *

**То қадам қўймасанг дастёрликка,**
**Ҳеч ким келмас сенга дўсту ёрликка.**

* * *

**Жон синовидан ўтмаса ёринг,**
**Топширма ишда сен йўгу боринг.**

* * *

**Юзлаб дўст топилур ош бўлса баҳам,**
**Иш жонга етганда қолмас бири ҳам,**

* * *

**Дарахт ўрнига гар эксанг тикан,**
**Шундай тикан экки, гул берса экан.**

* * *

**Зулм бўлган учун қиличнинг иши,**
**Бошин пастга осиб юрадир киши.**

* * *

**Жахд ила илмга ким урди бошин,**
**Шамолдан юргизди тегирмон тошин.**

* * *

**Лашкарнинг барчаси бўлолмас ботир,**
**Даштда шер ҳам бўлур, бўри ҳам қашқир.**

* * *

**Бўлмаганда эди қаро тун бенур,**
**Чироқ этолмасди ўз нурин зухур.**

* * *

**Қуруқ бўлма, кўм-кўк шохдек бўл дилкаш,**
**Хўлни, бил, ҳеч маҳал олмас ўт-оташ.**

* * *

**Ҳар танаки, ҳиммат ила саришта,**
**Оддий, кишимас у, у бир фаришта.**

* * *

**Улуғлик шарафин истаган одам,**
**Кичикларга айлар ҳиммату карам.**

* * *

**Ҳар қизил гулки, баҳорга ёрдир,**
**Этакда яширин тикани бордир.**

* * *

**Юкдан бўкиради туя тушиб мук,**
**Тўқимига эмас, унга тушар юк.**

* * *

**Ёр агар кучоққа бўлмайди восил,**
**Уни эсдан тамом чиқармоқ маъқул.**

*Болалар спорти*

## СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛ ТОПМОҚДА

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАҚУВВАТ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ЮРТИМИЗДА КАТТА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан спортнинг бир қатор турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборга моликдир. Биз Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чилонзор туман бўлими томонидан ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишлари ва оммавий тадбирлар билан танишиш мақсадида туман БСРЖ бош мутахассиси Турсун Абдураимов билан суҳбатлашдик.

—Туманимиз ёшларининг соғлом бўлиши, спорт билан доимо шуғулланишлари учун ҳудудимиздаги барча спорт комплекслари ва мактабларда барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди суҳбатдошимиз. —Яъни доимий равишда 7-8-9-синф ўқувчилари ўртасида кросс мусобақалари, 1991-92-93-94 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Франко номидаги халқаро турнир ва ўғил болалар ўртасида футбол, қизлар ўртасида эса волейбол бўйича мусобақалар, шунингдек бадиий гимнастика, волейбол бўйича турнирлар ўтказиб келинади.

Туманимизда 32 та мактаб, 50 та мактабгача таълим муассасаси ва 4-сонли мактаб-интернати жойлашган. Халқ таълими вазирлигининг қарорлари ижроси бўйича жисмоний тарбия дарсларини талаб даражасида ўтказиш мақсадида ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Очиқ дарс» тартибида ўтказилмоқда. Ва «Ёшлар йили» Давлат дастури ижроси бўйича туманимизда 2-тур спорт комплекси қурилиши бошланган. Бу лойиҳамизга 9,50 миллион сўм маблағ ажратилган. Режага мувофиқ спорт зали қуриш, футбол, теннис, югуриш ва волейбол, баскетбол майдонларини таъмирдан чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Бу мажмуани қуриш ишлари январь ойида бошланган бўлса Мустақиллик байрамига фойдаланишга топширилади. Унда ўсмир-ёшларнинг спортнинг хоҳлаган турлари билан шуғулланишлари ва мусобақалар ўтказиш учун жаҳон андозалари даражасидаги шарт-шароитлар яратилиш кўзда тутилган.

**Роҳила ЭРГАШЕВА,**
**Дилшода МУСИБОВА**





**СУРАТЛАРДА:** туманнинг ёш спортчилари

## ИҚТИДОРЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**ПОЙТАХТДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ МИЛЛИЙ БОҒДА КОРЕЙС ТИЛИНИ ЎРГАНУВЧИ ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ИНШОЛАР ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ушбу тадбир талаба-ёшларнинг корейс тилига бўлган қизиқишларини рағбатлантиришга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллар университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Низомий номидаги Педагогика университет талабалари ўзаро беллашди.

Тадбирда сўз олган Корея Республикасининг Ўзбекистондаги таълим маркази директори Ким Джэнг Сэк икки давлат ўртасидаги иқтисодий-маданий ҳамда таълим соҳасидаги кенг кўламли ҳамкорлик хусусида тўхталиб ўтди. Ушбу танлов ўзбек ёшларининг Корея ҳақидаги тасаввурларини бир карра синовдан ўтказибгина қолмай, келажакда ёшларнинг икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларини янада яхшилашга бўлган ҳаракатларини ривожлантиришга қаратилган.

Талабалар "Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги дипломатик алоқалар", "Корейс тилининг дунёда тутган ўрни", "Корейс тилини ўрганишдан мақсадим" каби мавзуларда иншо ёзишди.

— Бу танловда иккинчи бор иштирок этишим, — дейди Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллар университети 3 - босқич талабаси Олимжон Абдушукуров. – "Корейс тилини ўрганишдан мақсадим" мавзусида иншо ёздим. Бу мавзу менга жуда таниш, чунки корейс тили дарслари давомида бу мавзуда кўплаб тақдимотлар ўтказилган. Муҳими, бу танлов менга кўп нарса ўргатди.

Боғда ўтган ушбу танловга тақдим этилган ишлар Корея Республикасининг Ўзбекистондаги таълим маркази ўқитувчилари томонидан текширилди. Уларнинг таъкидлашича, иншолар жуда яхши ёзилган, аммо танлов мавзусига мос келмайдиган ишлар ҳам бор.

Иншоларни ҳакамлар текшириб чиққунига қадар иштирокчилар боғ бўйлаб саёҳат қилишди. Сўнгра дўстлик дастурхони ёзилди. Танлов давомида иштирокчилар ўртасида корейс халқ ўйинлари ўйналди.

Танловнинг биринчи ўрин соҳиби юз эллик минг сўм, иккита иккинчи ўрин юз минг сўм, иккита учинчи ўрин эса эллик минг сўм пул мукофотлари билан тақдирланди. Қолган иштирокчилар ичидан танлаб олинган учта рағбатлантирувчи соврин эгалари ўттиз минг сўмдан мукофот олишди.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
***"Туркистон-пресс"***

*Мунажжим башорати*

**6 ИЮНЬ, ЖУМА**

**Бугун инсонлардаги яхши фазилатлар рўйи-рост намоён бўлади. Уларнинг қалблари покланиб, янада олижаноброқ бўлади ва мукаммалликка эришади. Бугунги кунни мунажжимлар, олижаноб ҳатти-ҳаракатлар ва ҳар қандай муаммолар дадил ҳал этиладиган кун, дея тавсифлашган. Бугун сиз аразлашиб юрган ҳар қандай кишингиз билан ярашишингиз мумкин ва бу билан сиз ўз мавқеингизни янада мустаҳкамлаб оласиз.**

Бугун кераксиз нарсалардан халос бўлишингиз керак. Ички барқарорликка бўлган эҳтиёжларингиз ота-онангиз уйида эмас, балки ўз оилангизда рўёбга чиқарилиши лозим. Баъзи оилавий муаммолар юзага қалқиб чиқса-да, улар катта ташвиш туғдирмайди.

Организмда аллергик реакциялар бир мунча кучаяди, турли тери касалликлари хуруж қилиши мумкин. Шу кунлари имкон қадар аллергияга сабаб бўла олмайдиган таомларни истеъмол қилганингиз маъқул. Бугунги кун рўза тутиш ва ошқозон-ичак йўлларини тозалаш учун қулай ҳисобланади. Дориларни иложи борича камроқ истеъмол қилинг. Гиёҳлар билан даволаниш, мануал терапия самарали таъсир кўрсатади.

Тушларингиз қай хилдаги фаолият билан ўз номингиз шухрат қозонишига эриша олишингиз хусусида хабардор қилади. Муҳим воқеалар орқали тушингиз ўнгидан келганини ҳис этасиз.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг №10-0719/16200 иши юзасидан 06.02.2008 йил ҳал қилув қарори билан Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 327«б»-уйда жойлашган ЁАЖ «НОВАS-ТАРО» қўшма корхонаси СТИР 202589043, ХХТУТ 13142 банкрот деб эълон қилинган ва олти ойлик муддат билан тугатишга доир иш юритув очилган ЁАЖ «НОВАS-ТАРО» қўшма корхонаси навбатдаги Кредиторлари йиғилиши 2008 йил 12 июнь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 101-уй, 16-қават манзилдаги ЎзР ТИА МБ бош биносида ўтказилади.**

***Кредиторлар йиғилишининг кун тартиби:***

1. Тугатиш жараёнига доир ахборот.
2. Фойдаланишга (яроқлилик) муддати тугаши муносабати билан ТМҚларни ҳисобдан чиқариш тўғрисида.
3. Д-2000 матрицани қайтариш (қийматини) ва авторизация кодларининг ўчирилганлиги муносабати билан ишлаб чиқаришга келтирилган зарарни ундириш юзасидан хорижий давлатларнинг ҳакамлик судларига мурожаат этиш тўғрисида.
4. 2008 йил 7 ва 14 май кунлари РКМБ аукцион савдоларнинг натижалари тўғрисида.
5. Кредиторлар талаби реестри тўғрисида.
6. Тугатиш жараёнига аудиторлик фирмасини жалб этиш тўғрисида.
7. Қарздорнинг мол-мулкини реализация қилиш (бериш) тартибини белгилаш тўғрисида.
8. Турли масалалар, шу жумладан кредиторлар таклифига мувофиқ.

Маълумотлар учун тел: 294-56-70, 291-88-97, 155-60-36.

Хатлар учун: 100000, Тошкент шаҳри. Бошпочтамт. А/қ №375

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

*Тошкент Молия институти қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) **«Ўзбекистон тарихи»** катта ўқитувчи; **«Чет тиллари»** катта ўқитувчи; **«Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** катта ўқитувчи; **«Банк иши»** катта ўқитувчи; **«Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит»** доцент; **«Ўзбек ва рус тиллари»** ассистент; **«Статистика»** катта ўқитувчи; «Молия» катта ўқитувчи, ассистент; **«Қимматли қоғозлар»** катта ўқитувчи; **«Лойиҳаларни молиялаштириш»** катта ўқитувчи; **«Суғурта иши»** катта ўқитувчи; **«Ўзбекистон тарихи»** катта ўқитувчи; **«Информацион технологиялар»** катта ўқитувчи; **«Фалсафа»** профессор, доцент, катта ўқитувчи; **«Бухгалтерия ҳисоби»** катта ўқитувчи; **«Молиявий таҳлил»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий менежмент»** катта ўқитувчи лавозимларига*

***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ***

*Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой. Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. **Тел. 234-66-58***

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 24 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига такроран, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан, Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2007 йил 11 декабрдаги 1-802/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «VENUS FOOD» МЧЖнинг бошланғич баҳоси — 2 440 884 430 сўм бўлган қуйидаги мол-мулклари жамланма (комплекс) ҳолатда сотиш учун қўйилмоқда:

1. Умумий майдони 15151 кв.м., қурилиш ер майдони 7450 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 17-даҳаси, Высоковольтный кўчаси 7 «а»-уйда жойлашган, «Қандолат цехи» бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси — 553 769 566 сўм 2.Умумий майдони 4893 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Оҳангарон шоҳ кўчаси 37-уйда жойлашган «Бино ва иншоотлар». Бошланғич баҳоси — 500 147 456 сўм. 3.Майдони 42,23 кв.м. бўлган, икки хонадан иборат Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 17-даҳасида жойлашган, 7-уйдаги, 22-хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси — 30 200 000 сўм. 4.Майдони 73,78 кв.м. бўлган, уч хонадан иборат, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Ғалабанинг 40 йиллиги 2-даҳасида жойлашган, 15 «б»-уйдаги 74-хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси — 44 000 000 сўм. 5.Майдони 68,72 кв.м. бўлган, уч хонадан иборат, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 15-хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм. 6.Майдони 68,72 кв.м. бўлган, уч хонадан иборат Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган, 4-уйдаги, 35-хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси — 75 500 000 сўм. 7. Майдони 57,52 кв.м. бўлган уч хонадан иборат, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани Пушкин-Пишпек кўчасида жойлашган 4-уйдаги 37-хонадон (квартира). Бошланғич баҳоси 75 500 000 сўм. 8.Қандолат ишлаб чиқариш линияси ва унга тегишли бўлган ускуналар ва офис дизайн ашёлари. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳаси, Высоковольтный кўчаси 7«А»- уйда жойлашган. Бошланғич баҳоси — 931 898 670 сўм. 9.«ДЭУ Ласетти» русумли д/р М 5170 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 20 707 450 сўм. 10. «ДЭУ-Нексия» русумли, д/р М 6743 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 8 123 780 сўм. 11.«ДЭУ-Нексия» русумли, д/р М 5171 бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 640 410 сўм. 12. «ДЭУ-Тико» русумли, д/р М 6742 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 916 650 сўм. 13.«ДЭУ-Тико» русумли, д/р М 6740 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 916 650 сўм. 14.«ДЭУ Дамас» русумли, д/р М 3234 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 495 980 сўм. 15. «ДЭУ Дамас» русумли д/р М 6741 бўлган, 1999 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 547 000 сўм. 16. «Темпра SX» русумли, д/р М 1134 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 100 000 сўм. 17. «ДЭУ супер салон» русумли, д/р М 6739 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 652 000 сўм. (Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳаси, Высоковольтный кўчаси, 7-«А» уйда сақланмоқда.)

Мол-мулклар билан Суд департаментининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов хужжатида ижро хужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00901, ИНН: 200933850, ҳ/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш. С.Раҳимов т. М.Ўразбоев кўчаси 1-а-уй тел: 228-79-52. www.rkmb. uz

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3246 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 3456

Топширилган вақти: 14:20